УДК 398.221 (575.1):808 (043.3)

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАРИ

З.Қ. Эшанова

Мақолада олий таълимнинг филология йўналиши талабаларида турли интерактив методлардан фойдаланган ҳолда халқ қўшиқларини тушуниш, шарҳлаш ва таҳлил қила олиш компетенциясини шакллантириш ҳақида сўз боради. Хусусан, унда халқ қўшиқларини ўқитишнинг интерактив методлари, халқ қўшиқларидаги рамзлар талқинини ёритиш орқали уларнинг ғоясини очиш ҳамда аудио-визуал материаллар ва замонавий ёндашувлар асосида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: *халқ қўшиқлари, рамзлар, таянч сўзлар, аудио-визуал воситалар, аналитик тафаккур, герменевтик таҳлил, лирик қўшиқлар, тарихий қўшиқлар, бадиият.*

В статье говорится о формировании компетенции студентов филологических вузов по пониманию, интерпретации и анализу народных песен с использованием различных интерактивных методов. В частности, он включает в себя интерактивные методы обучения народным песням, раскрывающие идею народных песен путем освещения трактовки символов в народных песнях и на основе аудиовизуальных материалов и современных подходов освещаются вопросы развития аналитического мышления у учащихся.

Ключевые слова: *народные песни, символы, ключевые слова, аудиовизуальные средства, аналитическое мышление, герменевтический анализ, лирические песни, исторические песни, поэтика.*

Кириш

Халқ оғзаки ижоди таълими сифатини ошириш ҳозирги глобализация жараёнларида ҳам долзарблигича қолмоқда. Сабаби бугунги жамиятимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб, миллийлик руҳида тарбиялашда адабиёт ва фольклор асарларининг аҳамияти катта.

Халқ қўшиқлари ўзбек фольклоршунослигида М.Алавия, К.Очилов, С.Рўзимбоев, У.Жуманазаров, Д.Қозоқов, А.Мусақулов, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқул, Д.Ўраева, М.Ёқуббекова, Д.Ражабов, Н.Сабирова каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Халқ қўшиқлари ўрганилган тадқиқотларда қўшиқларнинг қадимий иноч-тасаввурлар, айниқса, ҳосилдорлик культлари, халқ маросимлари, иримлари, кундалик маиший турмуши билан боғланганлиги [1. Б. 16], қўшиқ инсон қалбининг бадиий инъикоси сифатида вужудга келиши ва куйловчи ўз туйғулари, кечинмалари, орзу-истакларини ифодалашида асрий анъаналар ўзанидан бориб, сўзнинг бадиий имкониятини онг остидаги “улкан билим” қуввати, талант ва иқтидори билан оча олиши, яъни поэтик рамзлар орқали ифодалаши [2. Б. 11], параллелизмларнинг халқ поэзиясининг ички ва ташқи структурасини белгилаши [3. Б. 11], ўзбек халқ қўшиқлари кўпинча учлик, тўртлик банд шаклида кенг тарқалгани ва улар ўзига хос систем-структурал кўринишда намоён бўлиши, халқ қўшиқларида диспозиция ва композицияни белгилаш тамойиллари [4. Б. 19] каби масалалар ёритилган. Бироқ халқ қўшиқларининг ўқитилиши масаласи ҳамон назардан четда қолмоқда. Фольклор дарсларида талабаларда халқ оғзаки ижоди асарлари рецепциясини, тўғри шарҳлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш лозим. Хусусан, халқ қўшиқлари олий таълимнинг филология факультети талабаларига 36 соат маъруза, амалий ва семинар машғулот тарзида ўқитилади. Халқ қўшиқларини ўқитишда бир қанча рецептив муаммолар мавжуд. Халқ қўшиқларининг ўзига хосликларини англамаслик, уларни талқин қилишдаги юзаки ёндашув, тарихий ва лирик қўшиқларни фарқламаслик, халқ қўшиқлари матнидаги рамзлар моҳиятини нотўғри шарҳлаш каби муаммоларни бартараф этиш лозим. Ушбу масаланинг педагогик ечими эса аудио-визуал воситалар ҳамда интерактив методлар орқали талабада халқ қўшиқлари моҳияти, тарихий ва лирик

қўшиқларнинг фарқли жиҳатлари ҳақида билим ҳосил қилиш, қўшиқлардаги рамзларнинг моҳиятини тўғри ёритиш компетенцияларини шакллантиришдир. Фольклор асарлари таълимига замонавий ёндашув воситасида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантиришни мавжуд илмий-методологик адабиётларга таянган ҳолда ёритамиз.

Материал ва методлар

Халқ қўшиқларидаги образлар, рамзлар ва деталларни тўғри шарҳлаш орқали унда ифодаланган кечинма ва ғояни тўғри англаш, талқин қилиш мумкин. Ушбу долзарб вазифани амалга ошириш учун эса халқ қўшиқларидаги образ ва рамзларни топиш, уларнинг шарҳи ва тўғри талқини орқали халқ қўшиғида ифодаланган маъноларни тушунтириш, кечинма тасвирини аниқлаш, рамзлар орқали кечаётган ассоциацияларни таҳлиллар орқали кўрсатиш лозим. Таҳлил учун “Оқ илон оппоқ илон”, “Қарғалар”, “Кўзлари сузугим” каби лирик қўшиқлар, мардикорлик воқеаси билан боғлиқ тарихий қўшиқлар таҳлилга тортилди. Мавзуни ёритишда этнофольклористик, герменевтик, структурал таҳлил методларидан фойдаланилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили

Энг аввало, халқ қўшиқлари, таснифи ва поэтикаси ҳақида маълумотга эга бўлишимиз даркор. Халқ қўшиқлари фольклорнинг лирик турига кирувчи синкретик жанри бўлиб, унда лирик кечинма тасвирини бериш етакчилик қилади. Халқ қўшиқлари куйга солиниб, турли ижро йўллари орқали куйланади. Куй, ижро ва сўз (вербал компонент) бирлиги асосида шаклланиши унинг синкретиклигидан далолат беради. Халқ қўшиқлари ўзининг содда услуби, структураси, образлар олами, халқона қарашларга бойлиги билан ажралиб туради. Халқ қўшиқлари 7, 8, 11 бўғинли мисралар асосида шаклланади.

Халқ қўшиқлари ўрганилган мавжуд адабиётларда қўшиқлар мавзу-мундарижасига кўра қуйидагича таснифланган:

1. Лирик қўшиқлар.
2. Тарихий қўшиқлар.
3. Меҳнат қўшиқлари.
4. Мавсум-маросим қўшиқлари.
5. Болалар қўшиқлари.

Лирик қўшиқларда ишқ-муҳаббат ва маиший мавзулар куйланиб, унда лирик субъектнинг ўй-фикрлари, ишқ ҳақидаги кечинмалари, ҳижрон изтироблари, бевафо ёрдан шикоят мотивлари етакчилик қилади. “Оқ илон оппоқ илон”, “Сунбула”, “Беқасам тўнлар кийиб”, “Дарёдан оқиб келоди”, “Қарғалар”, “Олма пишган-да келинг”, “Дарё тошқин”, “Кўзлари сузугим” каби қўшиқлар шулар жумласидандир.

Тарихий қўшиқларда маълум бир давр ижтимоий-сиёсий воқелиги таъсирида пайдо бўлган кечинма тасвири берилган бўлиб, унда аниқ тарихий вазият ва қаҳрамон тасвирланган бўлади. Алп Эр Тўнга ўлими, Исфандиёрхон, Жунаидхон, Саид Аҳмад, Николай подшо, Гитлер ҳақидаги қўшиқлар, Ислом шоирнинг “Аҳмад ботир”, “Тўйчи Иброҳимов”, Фозил Йўлдош ўғлининг “Аҳмад Алиевга”, “Қўчқор Турдиевга” каби қўшиқлари, “Хон зулми”, “Бевафо золим”, “Ботирхон зулми”, “Келмас КороскоННинг суви”, “Қаҳатчилик”, “Чигиртка”, “Минг лаънат”, “Уйинг куйгур, мингбоши!”, “Николай қон жаллоб”, “Иброҳимбек қўрбоши” кабилар тарихий қўшиқлардир.

Тарихий қўшиқларни тарихий-қаҳрамонлик қўшиқлари, тарихий-инқилобий қўшиқлар, тарихий воқеа-ҳодиса ва шахсларга бағишланган қўшиқлар тарзида таснифлаб ўрганган У.Жуманаров: “Бундай қўшиқларнинг прототиплари – меҳнаткаш халқнинг кундалик ҳаёт ва турмушларини енгиллаштириш мақсадида маҳаллий ҳукмрон синф вакилларига қарши мардонавор кураш олиб борган баҳодирлардир” [5. Б. 258], – дейди. 1905–1907 йилларда халқ исёнига бошчилик қилган Намоз Пиримқуловга бағишланган тарихий қўшиқларда унинг кўрсатган қаҳрамонликлари куйланган:

Кеча-кундуз юргани дала-дашт бўлди,
Ўттиз йигитларга ўзи бош бўлди,
Николайга неча кун кенгаш бўлди,
То ўлгунча, Николайман ғаш бўлди,
Номоздайин бир зўр ўтди жаҳонда [5. Б. 258].

Нурмон Абдивой ўғли (бахши) томонидан яратилган қўшиқда Николай подшо зулмига қарши қўзғолган халқ дардлари, халқнинг ўз қаҳрамонларини мадҳ этиши тасвири берилган.

“Минг лаънат”, “Уйинг куйгур, мингбоши!”, “Николай қон жаллоб” каби тарихий қўшиқлар маълум тарихий воқеа-ҳодисалар, яъни мардикорга олиш воқеаси таъсирида яратилган. Қуйидаги тарихий қўшиқда ҳам мардикорга олиш воқеаси таъсирида юзага келган кечинмалар тасвири берилган:

Пойизингни юргизган,
Ўтхонаси билан дўнгалаги,
Двинскийга кетгазган,
Мард йигитнинг бир бўлаги.

Сўк ошингни ичмайман,
Мардикорга бормайман,
Уйинг куйгур Николай пошшо,
Ўз тахтидан тушдими?

Юқоридаги тарихий қўшиқда ўтхонасига ўт ёқиб юргизиладиган поезд, Двинский (Россиядаги шаҳар номи), Николай пошшо каби сўзлар қўшиқ яратилган давр ижтимоий-сиёсий воқелигидан дарак беради ва бу қўшиқнинг 1916 йилдаги мардикорга олиш воқеалари таъсирида яратилганини кўрсатади. Демак, тарихий қўшиқ бўлиши учун маълум бир давр ижтимоий-сиёсий ҳаёти лавҳалари, аниқ тарихий шахслар номи қўшиқ матнида келтирилган бўлиши лозим экан.

Меҳнат қўшиқлари бевосита меҳнат жараёнида яратилгани боис бадийяти кучли эмас, улар кўпроқ инсонлар меҳнатини енгиллатиш, меҳнат жараёнидаги кечинмаларини ифодалаш каби маиший вазифага йўналтирилган бўлади. Ҳунармандчилик билан боғлиқ саналамалар, урчуқ, чарх, тикувчилик қўшиқлари, деҳқончилик билан боғлиқ “Хўп майда”, ёрғичоқ, янчиқ қўшиқлари, чорвачилик билан боғлиқ “Хўш-хўш”, “Турей-турей”, “Чурей-чурей” қўшиқлари шулар жумласидандир.

Халқ ҳаёти ва магик-мифологик қарашлари билан боғлиқ ҳолди шаклланган, маълум мавсумда ва маросимда ижро этилувчи қўшиқлар мавсум-маросим қўшиқлари бўлиб, улар “Ашшадарози”, “Суст хотин”, “Чой момо”, “Ё, Ҳайдар”, алёр каби мавсум маросим қўшиқлари ҳамда алла, ёр-ёр, келин салом, лапар, ўлан каби маросим қўшиқлари каби икки катта гуруҳдан иборат.

Болалар аудиторияси учун мўлжалланган қўшиқларда кичик ёшдаги болаларнинг орзу-истаклари, беғубор кечинмалари тасвири ифодаланади. “Бойчечак”, “Читтигул”, “Офтоб чиқди оламга” “Ойижон-ойижон” каби қўшиқлар шулар жумласидандир.

Таълим жараёнининг кейинги босқичида эса халқ қўшиқлари рецепцияси, тўғри шарҳлаш ва таҳлил қилиш туради. Бунинг учун эса халқ қўшиқларидаги кечинмаларни тўғри англатиш, ғоясини очишга хизмат қилувчи образ ва рамзлар ҳақида маълумот берилиши зарур. Юқоридаги таснифда келтирилган халқ қўшиқларидан меҳнат қўшиқлари, мавсум-маросим ва болалар қўшиқларининг таҳлили анча енгил. Улар орасида бадиий жиҳатдан юксак ва рамзларга бойи лирик қўшиқлар бўлиб, уларни тушунишда бир қатор рецептив муаммолар мавжуд. Лирик қўшиқларда лирик қаҳрамон кечинмалари бир қатор анъанавий поэтик рамзлар орқали ифодаланиб, уларни нотўғри шарҳлаш янглиш талқинларга олиб келади. Шу ўринда рамз истилоҳига изоҳ берсак. Рамз – символ; кўчим турларидан бири, фақат шартли равишда ва шу матн доирасида кўчма маъно касб этувчи сўз ёки сўз бирикмаси; образлилик тури... Рамз контекст доирасида ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланади [6. Б. 245]. Бадиий асарни (гарчи у фольклор намунаси бўлса ҳам) таҳлили ва талқини борасида тасаввурга эга мутахассислар биладики, бадиий матндаги ҳар бир сўз, образ ва рамз бемақсад қўлланилмайди ва бадиий матн шарҳи, талқини ҳам бевосита матн доирасида амалга оширилади. Албатта, бунда шарҳ ва талқин адабий анъаналарга ва тарихийлик тамойилига асосланган ҳолда бўлиши шарт.

“Қарғалар” қўшиғи лирик қўшиқлар сирасига кириб, унда ҳижрон мотивлари, айрилиқ изтиробларини тасвири етакчилик қилади. Унда ижтимоий ҳаёт воқелиги сабаб юзага келган лирик кечинма: ватандан йироқлик, оила, ёр ҳижрони кабилар ифодаланган. Ушбу қўшиқни тарихий қўшиқ сифатида шарҳлаш эса мутлақо нотўғри талқинларга сабаб бўлади. “Қарғалар” қўшиғи тарихий қўшиқ эмас, унда аниқ тарихий воқелик таъсирида шаклланган кечинма тасвири берилмаган ва аниқ тарихий шахс номи мавжуд эмас:

Қарғалар учса қарайлик
Марғилоннинг йўлига
Ҳиди келса маст бўлайлик
Ҳандалакнинг бўйига [7. Б. 74].

Ушбу қўшиқдаги қарға рамзи ҳақида фольклоршунос олим Ш.Турдимов “... лирик қаҳрамоннинг “учаётган қарғаларга кўз тутиши”ни

луғавий маънода тушунмаслик керак. У қарғани эмас, ўз ёридан хабар кутяпти" дейди [2. Б. 19]. Мазкур қўшиқдаги қарға образига эътибор қаратсак. Халқимизнинг мифологик қарашларига кўра, қуш хабарчи, қарға рамзи эса ёмон хабарчи, совуқ хабар, душман каби талқинларга эга. Фольклор асарлари, хусусан, эртак ва достонларда майна, булбул, ғоз, шу жумладан, қарға каби образларнинг хабарчи бўлиб келиши мотиви бор. Майна "Равшан" достонида инсонлар ўртасида воситачилик қилса, ғоз "Алпомиш" достонида Аллоҳ томонидан келган хабарни Жаброил тилидан сўзлайди. Халқ афсоналарида қарғанинг минг йил умр кўриши (этиологияси) изоҳланиб, ер юзидаги хабарларни Худога етказиб туриши ҳақидаги ахборот берилади. Қарға эса зулмат дунёси вакили саналиб, ўзида хаосни акс эттирувчи образ саналади. Халқ қарашларига кўра совуқ ўлкалар, ерости дунёси, умуман ўзга макон ёвузлик юрти саналади.

Қўшиқ матнидан ўз ватанидан узоқда, яқинлари ҳижронида қийналган лирик субъектнинг оиласи, ёри ва яқинлари соғинчида ўз юрти Марғилонга кўз тикиб, хабар кутаётганини англаймиз. Қўшиқ матнидаги қарғаларнинг учиши рамзи орқали лирик субъектнинг оилам, ёримга бирор ташвиш бўлмадимикан, улардан совуқ хабар келмасмикан деган хавотирли кечинмалари тасвири ифодаланади. Айни шу вазиятга контраст ҳолатда келган "Ҳиди келса маст бўлайлик, ҳандалакнинг бўйига" мисрасидаги ҳандалак (қовун, олма) фольклор анъаналарида оила, фарзанд, яхши хабар талқинига эга бўлиб, мисраларда оилам, ёрим ва фарзандларимдан келган кичик бир яхши хабардан ҳам хурсанд бўламан маъноси ифодаланмоқда.

Ҳандалак бўйликкинамсен,
Сен унда зор, мен бунда зор
Тўтиқушнинг боласидай
Иккаламиз интизор [7. Б. 74].

Мисраларда ёр (ватан, фарзанд) соғинчида қийналган лирик субъектнинг кечинмалари берилади ва унда ҳандалак сифатлаш бўлиб келмоқда. Бизга маълумки, ҳандалакнинг ҳиди ёқимли бўлади. Бу ўринда "бўй" икки хил маънода келади, бири ҳид, иккинчиси бўйи баст. Ҳандалакдек кичиккина жуссали (ёр доим жуда нозик тасвирланган) ва ёқимли ҳидли ёрим (бу турлича талқин қилиниши ҳам мумкин, масалан фарзанд) тақдир тақозоси билан сен у ёқда, мен эса бу ёқда, бир-биримизга интизор бўлиб яшаяпмиз, дейилмоқда. Қўшиқ мисраларида "тўтиқушнинг боласидай" бирикмаси ҳам ишлатилади. Тўтиқуш чиройли қуш бўлиб, кўпинча қафасда сақланади. Бу мотив ҳам аксар халқ эртакларида мавжуд ("Уч оға-ини ботирлар" эртагида ҳикоя ичида ҳикоя шаклида келади). Тўтиқушнинг боласидай ўхшатиши эса ўқувчи қалбида тутқунлик, маҳбуслик, мажбурлик, ихтиёрсизлик кабилар ҳақидаги ассоциацияларни уйғотади. Яъни қўшиқнинг лирик субъекти ўз ихтиёри билан эмас, балки мажбуриятдан узоқларда юрганлигини, унинг эрки йўқлигини англаймиз. Юқоридаги уч рамз ҳам фольклор мотивлари асосида шаклланган ва ўзида мифологик кодларни сақлаган.

"Қарғалар" қўшиғининг тарихий қўшиқ эмаслигини унинг биз томонимиздан (С.Мирзаева, З.Эшанова – таъкид бизники) ёзиб олинган вариантидаги мисралари ҳам далиллайди:

Интизорлик торта-торта,
Танда тоқат қолмади,
Йўлчивиндек сарғайиб,
Учарга тоқат қолмади.

Йўлчивиннинг ҳолини,
Юрган йўловчидан сўранг.
Биз фақир бечорани,
Ақли расо ёрдан сўранг.

Биз ғариб бечорани,
Ақли расо ёр билмаса,
Кўз ёшим дарё бўлиб,
Оқ балиқлардан сўранг [7. Б. 74].

Амабей композиция асосига қурилган ушбу лирик қўшиқда йўлчибин ва фақир бечора образлари қиёсланади. Қўшиқда бевафолик изтироблари айрим шеърий мисраларнинг банд бошида қайта такрорланиб келиши [8. Б. 27–28] ва икки образни ёнма-ён қўйиш асосидаги ички мазмун параллелизми орқали ифодаланади.

"Оқ илон" халқ қўшиғи лирик қўшиқлардан бўлиб, унда бевафоликдан куйган лирик субъект кечинмалари, бевафоликдан ёзғиришлари берилади:

Ҳой оқ илон, оппоқ илон,
Ойдинда ётганинг қани?
Сенку мени ёмон дединг,
Яхшини топганинг қани?

Қўшиқ матнида келган оқ илон рамз сифатида бевафо ёрни англатади. Лирик субъектнинг риторик сўроқларидан кўрамизки, унинг севган ёри бевафолик қилиб, яхши ёр топиш умидида ташлаб кетган. Ушбу қўшиқнинг яна бир вариантида:

Ҳой оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётганинг қани?
Сенку мени ёмон дединг, яхшини топганинг қани?
Бевафо деб англадим, бағримга тошлар боғладим,
Бир субутсиз ёр учун тун-кечалар қон йиғладим [7. Б. 30] – дейилади.

Қўшиқнинг ушбу вариантида ёрнинг бевафолиги лирик субъектнинг "бағрига тош боғлаши" ва " тун-кечалар қон йиғлаши" каби вазият рамзлари орқали ифодалаб берилган.

Лирик қўшиқларни шарҳлашда, аввало, рамзларнинг талқинларидан хабардор бўлмоқ лозим. Хусусан, фольклоршунос олим Ш. Турдимов *рўмол – оила, тол – вафодор ошиқ йигит, терак – сохта ва қўрқоқ ошиқ, олма – фарзанд, оқ олма – ўғил бола, қизил олма – қиз бола, ғоз, турна – эзгу хабар, ўрдак – лоқайд ва ёмон инсон, шафтоли – ёлғон муҳаббат, ўткинчи севги, сунбула – меҳрсиз маъшуқ, балоғатга етган ёр, бозор – ишқий муносабатлар, олма отиш – ёр танлаш* каби рамз ва унинг маънолари орқали лирик қўшиқлар мазмуни юзага чиқишини, лирик қўшиқлардаги рамзларнинг бирор сўз (образ ёки деталь) ва сўзлар бирикмасининг ўзи ифодалаб келаётган луғавий маънодан ташқари, шартли равишда турғун бадиий ассоциация уйғотишини [2. Б. 6] таъкидлайди. Қуйидаги қўшиқда ҳам олма гули рамзи қўлланади ва олма гулининг узоқ турмаслиги, тез тўкилиши, шамолда осонгина учиши каби табиий хусусиятлари инсон онгида ўткинчи, тез ўтадиган туйғулар ассоциацияларини уйғотади:

Олма гули гул эмас,
Тақсам чаккамда турмас,
Ўзганинг ёри ёр бўлмас,
Бирпас ёнингда турмас [7. Б. 99].

Ушбу қўшиқда олма гули рамзи ва ўзганинг ёри образи параллел қўйилади ва олма гули рамз сифатида алдамчи муҳаббат, ўткинчи ҳою ҳавас мазмунини ифодалайди.

Юқоридаги таҳлил ва талқинлар орқали кўрганимиздек, халқ қўшиқларидаги кечинма тасвирини ёритишнинг энг самарали усули ундаги образлар, рамзларни калит сўз сифатида ажратиб кўрсатиш ва уларнинг моҳиятини шарҳлар орқали ёритишдир. Дарс жараёнида куй ва мусиқа жўрлигида ижро этилган халқ қўшиқларидан намуна эшиттириш ҳам яхши самара беради.

Халқ қўшиқларини ўргатишнинг кейинги босқичида визуал (слайд, расм) ва аудио-визуал воситалардан (мультимедиали дастурлар, видеоролик ва видеолар) фойдаланиш талаба хотирасида халқ қўшиқлари композицияси, образлари ва рамзлари ҳақидаги маълумотларнинг сақланишига кўмак беради.

Фольклор дарсларида талабаларга фольклор асарларини интерактив методлардан фойдаланган ҳолда тушунтириш дарснинг самарадорлигини оширади. "Интерфаол" тушунчаси инглиз тилида "interact" (рус тилида "интерактив") ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан "inter" – ўзаро, икки тарафлама, "act" – ҳаракат қилмоқ, иш кўрмоқ каби маъноларни англатади [9. Б. 4]. Интерфаол методлар фольклор асарлари моҳиятидаги туб маъноларни англашга, ғоясини очишга ёрдам беради. Интерфаол методлар орқали талабалар суҳбат, мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик асосидаги фаолиятни амалга оширадилар, дарс жараёнида фаол ишлайдилар ва мустақил изланадилар. Интерфаол методлар негизида трансакция педагогик фалсафасининг конструктивизм йўналиши ётади. Бу илмий дунёқараш ўз номини лотинча "constructio"– "қурилма", "қурилиш" сўзларидан олган бўлиб, унга кўра ўқиш талабаларнинг ақлий фаолиятлари натижасида билимлар конструкция қилинадиган, яъни муайян ақлий қурилма ҳолига келтириладиган жараёндир [10. Б. 23]. Фольклор асарларининг таҳлили ва талқини жараёнида интерактив методлардан фойдаланилганда асосий вазифа талабага юкланади. Талабалар фольклор асарларининг ғояси, рамзлар моҳияти, композицион хусусиятларини ўзаро мулоқот жараёнида, шерикликда ишлаш орқали ёритади. Ана шундай интерактив методларга "Блиц сўров", "Айлана", "Венн диаграммаси", "Видео топишмоқ", "Тақдимот" кабилар киради.

"Блиц сўров" интерактив методида ўқитувчи муайян мавзу асосидаги саволларни ишлаб чиқади ва уни талабалар эътиборига ҳавола қилади. Масалан, "Рамз нима?", "Ўзак ва вазият

рамзлари бадиий талқинларини халқ қўшиқлари таҳлили мисолида ёритинг” каби саволларга талабалар якка тартибда ёки гуруҳларга бириккан ҳолда жавоб бериши керак. Бунда мавзуга оид таянч сўзлар жадвал, диаграмма орқали ёки оғзаки тарзда ҳам баён этилиш мумкин. Бу усул халқ қўшиқларидаги рамзларни аниқлаш, уларнинг маъноларини ёритиш мақсад қилинган мавзуларни (амалий ва семинар) ўрганишда яхши натижа беради.

“Айлана” усулида халқ қўшиқларини ўрганиш жараёнида талабаларга қўшиқларнинг ўзига хос хусусиятларига оид маълумотларни ёзиш топширилади. Талабалар кичик гуруҳларга ажралган ҳолда топшириқни бажарадилар. Халқ қўшиқларини ўрганишда

1-гуруҳга халқ қўшиқлари таснифи масаласини ёритиш,

2-гуруҳга эса қўшиқлардаги образларни аниқлаш,

3-гуруҳга эса халқ қўшиқларидаги рамзларни топиш ва шарҳлаш вазифаси берилади.

Бу усулда бажарилиши лозим бўлган топшириқ навбатлашиб бажарилади ва топшириқ бир неча марта айланиш асосида бажарилиши мумкин. Бу жараёнда талабалар ўзаро ҳамкорликда ишлайдилар ва бир-бирларининг жавобларидан хабардор бўладилар. Барча талабалар ўз жавобларини айтади ва маълумотлар ўқитувчи томонидан умумлаштирилади. Талабалар юқоридаги интерактив усуллар орқали ишлаганларида тизимли тарзда маълумот олишга, халқ қўшиқлари ғояси, мазмун-моҳияти, образлар тизими ва бадииятини ёритишга эришадилар.

“Венн диаграммаси” ҳам энг самарали методлардан бўлиб, у ҳам талабалар томонидан ўзлаштирилган маълумотларни жамлаш ва қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Талабалар ўртасидан танланган сардорлар талабалар берган маълумотларни умумлаштириб, ёзув тахтасига чизилган диаграммани тўлдирадилар. Халқ қўшиқларига оид маълумотларни визуал ҳолда диаграммада кўрсатиш талабаларга уларни ёдда сақлаб қолишига хизмат қилади.

”Видео топишмоқ” методида ўқитувчи талабаларга мақсадли фойдаланилган бир неча видео, видеоролик ёки мультимедиали маҳсулотни тақдим этади. Масалан, “Кўзлари сузугим” қўшиғи куйланган тасвир туширилган видеони намойиш этилади ва қўшиқ матни таҳлил учун берилади:

Шаҳрихон сойида қолди узугим,
Келармикан менинг кўзлари сузугим,
Агар келса менинг кўзлари сузугим,
Йўлига поёндоз, шоҳи сўзанам.

Сени унда, мени бунда яратди,
Ўртамизда азим дарё яратди,
Оқар дарё экан оқди-ю кетди,
Бевафо ёр экан талади-кетди [7. Б. 69].

Талабалар ҳар бир лавҳада берилган халқ қўшиқларини таҳлил қиладилар ва ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб берадилар. “Ушбу қўшиқдаги сой ва дарё рамзлари бадиий талқинлари аниқланг ?” деган саволга талабаларнинг жавоблари асосида *сой, дарё, узук* каби рамзлар талқинлари ҳақидаги қуйидаги маълумотлар умумлаштирилади:

1. *Сой* ва *дарё* рамзлари орқали чегара, ошиқ ва маъшуқлик, кўнгиллар ўртасидаги чегара маънолари, *узук* (деталь) рамзи орқали эса никоҳ, оила маънолари ифодаланган.

2. Лирик субъектнинг Шаҳрихон сойида узуги қолиши ёрининг ташлаб кетганини, никоҳининг бузилганини англатади.

3. Қўшиқнинг иккинчи бандидаги *азим дарё, оқар дарё* рамзлари биринчи банддаги фикрни тасдиқлаб, ошиқ ва маъшуқа ўртасига чегара тушганини англатади.

Бу усулдан халқ қўшиқлари моҳиятини ёритишда, уларнинг ижро усулларини ўрганишда фойдаланиш мумкин ҳамда бу усул талабаларга эшитиш ва кўриш орқали маълумотларни ёдда сақлашга ёрдам беради.

“Тақдимот” методи компьютердан фойдаланган ҳолда слайдлар мажмуасини тайёрлаш орқали амалга оширилади. Унда халқ қўшиқлари мавзусига оид асосий тушунчалар моҳиятини очиб беришга қаратилган топшириқлар берилади. Талабалар халқ қўшиқларининг асосий моҳиятини, муҳим хусусиятларини таянч сўзлар, кичик матнлар, жадвал, расм ва турли тасвирлар асосида ёритадилар. Ўқитувчи тақдим этилган ишлардан энг яхши бажарилганини аниқлайди. Ушбу метод ҳам талабаларда халқ қўшиқлари моҳиятини англаш, шарҳлаш ва тўғри таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, халқ қўшиқлари матнидаги ҳар бир сўз, образ ва рамзларни тўғри талқин қилмаслик унинг моҳиятини англамасликка олиб келади. Шу сабабли ҳам халқ қўшиқларидаги ҳар бир рамз ва образларни интерактив методлар, аудио-визуал воситалар орқали ўқитиш талабаларда лирик қўшиқ ғоясини тушуниш, кечинма тасвирини англаш, уларни шарҳлаш ва тўғри талқин қилиш компетенциясини шакллантиради. Халқ қўшиқларидаги рамзлар, образлар ва деталларнинг туб моҳиятини ёритиш асосидаги ёндашув талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантиради.

Адабиётлар:

1. *Мусақулов А.* Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – 316 б.
2. *Турдимов Ш.* Халқ қўшиқларида рамз. – Тошкент: Фан, 2020. – 192 б.
3. *Ўраева Д.С.* Ўзбек халқ қўшиқларида параллелизм. Монография. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 168 б.
4. *Ражабов Д.З.* Ўзбек халқ қўшиқлари тузилиши: композиция ва образлилик. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 35 б.
5. *Жуманазаров У.* Тарихий қўшиқ // Китобда: Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.254 -261.
6. *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.* Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 408 б.
7. Чаманда гул очилибди. Фарғона водийси халқ қўшиқлари. / Тўпловчи, нашрга тайёрловчилар: С.Мирзаева, З.Эшанова. – Андижон: Step by step, 2017. – 107 б.
8. *Ҳотамов Н. Саримсоқов Б.* Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 364 б.
9. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. /Тузувчилар: Д.Рузиева, М.Усмонбоева, З.Холикова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. – 136 бет.
10. *Йўлдошев Қ.* Адабиёт ўқитиш методикаси. ЎУМ. – Тошкент, 2019. – 113 б.

INTERACTIVE METHODS OF TEACHING FOLK SONGS

Z.Q. Eshanova[1]

*Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Series: Pedagogical Research.*2022. 6(66). 34-41.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: folk songs, symbols, key words, audio-visual tools, analytical thinking, hermeneutic analysis, lyrical songs, historical songs, poetics.

The article talks about the formation of the competence of students of philology of higher education to understand, interpret and analyze folk songs using various interactive methods. In particular, it covers the interactive methods of teaching folk songs, revealing the meaning of folk songs by illuminating the interpretation of symbols, and developing analytical thinking in students based on audio-visual materials and modern approaches.

In order to fulfill this urgent task, it is necessary to find images and symbols in folk songs, to explain the meanings expressed in the folk song through their review and correct interpretation, to determine the image of the experience, and to show the associations passing through the symbols through analysis. For analysis, lyrical songs such as "White snake, snow-white snake"(Oq ilon oppoq ilon), "Crows"(Qarg'alar), "My eyes are heavy", and historical songs related to slavery events are analyzed.

Ethno-folkloristic, hermeneutic, and structural analysis methods are used to illuminate the topic.

The article provides information about folk songs and discusses receptive problems in understanding, interpreting and analyzing lyrical songs. Based on the analysis of a number of historical songs and lyrical songs such as "White snake, snow-white" "(Oq ilon oppoq ilon)", "Crows"(Qarg'alar) the differences between a lyrical song and a historical song are shown. In addition, the entry of the song "Crows" into the ranks of lyrical songs, the motifs of separation, the image of separation pain, and the fact that it expresses distance from the homeland, family, being

far from country and other things related to this are highlighted based on the analysis of the song.

In the article, the most effective way to illuminate the image of the experience in folk songs is to extract the images, symbols in it as keywords and clarify their essence through comments. (multi-media programs and videos) Using multi-media programs and videos helps a student to retain information about the composition, images and symbols of folk songs in the student's memory.

In folklore lessons, students are given ideas about how to explain folklore works using interactive methods based on the constructivist direction of transactional pedagogical philosophy: the effectiveness of the lesson can be increased with the help of some teaching methods, including "Blitz survey", "Circle", "Venn diagram", "Video riddle", "Presentation"

In conclusion, teaching every symbol and image in folk songs through interactive methods such as "Blitz survey", "Circle", "Ven diagram", "Video puzzle", "Presentation" and audio-visual means helps students to understand the idea of a lyrical song, forms the competence to understand the image of the experience, and interpret them correctly. The approach based on highlighting the essence of symbols, images and details in folk songs develops analytical thinking in students.

References:

1. Musaqulov, A. (2010). *O‘zbek xalq lirikasi* [Uzbek folk lyric]. Tashkent: Fan.
2. Turdimov, Sh. (2020). *Xalq qo‘shiqlarida ramz* [A symbol in folk songs]. Tashkent: Fan.
3. O‘raeva, D.S. (2019). *O‘zbek xalq qo‘shiqlarida parallelizm* [Parallelism in Uzbek folk songs]. Tashkent: Navro‘z.
4. Rajabov, D.Z. (2019). O‘zbek xalq qo‘shiqlari tuzilishi: kompozitsiya va obrazlilik [Structure of Uzbek folk songs: composition and imagery]. Dissertation Abstract for a Doctor of Philological Sciences (DSc). Tashkent.
5. Jumanazarov, U. (1988). *Tarixiy qo‘shiq* [Historical song]. In: *O‘zbek folklori ocherklari* [Essays on Uzbek folklore]. In 3 volumes. Vol.1. Tashkent: Fan.
6. *Quronov, D., Mamajonov, Z., Sheralieva, M*. (2013). Adabiyotshunoslik lug‘ati [Literary dictionary]. Tashkent: Akademnashr.
7. Mirzaeva, S.R., Eshanova, Z.Q. (Comp.) (2017). *Chamanda gul ochilibdi* [A flower has opened in the garden]. Andijan: Step by step.
8. Hotamov, N. Sarimsoqov, B. (1979). *Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o‘zbekcha izohli lug‘ati* [Russian-Uzbek explanatory dictionary of literary terms]. Tashkent: O‘qituvchi.
9. Ruzieva, D., Usmonboeva, M., Xolikova Z. (Comp.) (2013). *Interfaol metodlar: mohiyati va qo‘llanilishi* [Interactive methods: essence and application]. Tashkent: Nizomiy nomidagi TDPU nashriyoti.
10. Yo‘ldoshev, Q. (2019). *Adabiyot o‘qitish metodikasi* [Methodology of teaching literature]. Tashkent.

Муаллиф ҳақида маълумот:
ЭШАНОВА Зилола Қўчқаровна – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти. E-mail: z_eshanova@mail.ru